



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 14.09.2022 г. № 65
между "REKLAMA DELFIN" МЧЖ и ЖШХХ Обод. бош.
на общую сумму 107 222 000,00

Глава _____ 110
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860084017065100110001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4299990			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	107 222 000,00			107 222 000,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	107 222 000,00			107 222 000,00

Всего 107 222 000,00 сум

Сто семь миллионов двести двадцать две тысячи сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 32 166 600,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предплате в Сентябрь месяце 2022 года.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, электросвязи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.

Руководитель заказчика

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

« _____ » _____ 20 г.

(подпись)

А.Кобиров
Ф.И.О.

(подпись)

Д.Рахмонов
Ф.И.О.

Получил работник заказчика

(подпись)

« _____ » _____ 20 г.

Жиззах шаҳри

« 14 » Сентябрь 2022 йил

Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда—“Буюртмачи”) Низом асосида иш олиб боровчи номидан А.Қобилов орқали бир томондан ва “РЕКЛАМА DELFIN” МЧЖ (кейинги ўринларда – “Ижрочи”) Низом асосида иш олиб боровчи номидан М.Бабаев орқали иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

Т/Р	Хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишлари	Хизмат	1	107 222 000,00	107 222 000,00
Жами:					107 222 000,00

1.3 Хизматлар кўрсатиш муддати мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олинди, буюртмачи томонидан шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг 3 кун мобайнида.

1.3.1 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 3 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан бошлаб 30 кун ичида тўлаб берилади.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги хақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга бўлингандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 107 222 000,00 (Бир юз етти миллион икки юз йигирма икки минг) сўм, шу жумладан 13 985 478,26 сўм 15% миқдорида ҚҚСни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочиға ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар қелишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иктисодий судларда кўриб чиқишга топширадилар.

7. Шартномага ўзгартириши ва қўшимчалар қиритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага қиритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилган ҳолда расмийлаштирилиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8. Яқуний қондалар

8.1. Мазкур шартномага қиритилмайдиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.3. Шартномага илова

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

“REKLAMA DELFIN” МЧЖ

(Ўтказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Жиззах ш. “Заргарлик” МФЙ Зебо савдо маркази

Тел./факс: +99898-261-00-32

(х/в ёки ш/х): 20208000200995476001

Банк номи: “Асака банк” Жиззах вил. фил.

ИНН: 305 974 913

МФО: 00140

ИФУТ:

«Буюртмачи»

**Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
Ободонлаштириш бошқармаси**

(Буюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах ш. Сангзор мах. Тоғлик кўча 10 уй

Тел./факс: +99872-222-40-54

ш/х: 100022860084017065100110001

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. бош. бош-си

СТИР: 201 433 199

ИФУТ: 90211

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ҳазначилиги

ЯҲХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош

бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Ҳазначилик органи СТИР: 201 122 919



Раҳбари: **М.Бабаев**

ИМЗО
М.Ў.



Раҳбари: **А.Қобилов**

ИМЗО
М.Ў.

Хуқуққонунос:

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Гув-ма №



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

JIZZAX SHAHAR ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130100, Jizzax shahar, Obod MFY, A.Navoiy ko'chasi, 4/4-uy.
tel: (99872) 151 11 95, el. pochta: jizzax-sh@adliya.uz, jiz.shaxaradliya@exat.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi:** Xizmat ko'rsatish shartnomasi.
3. **Loyihaning mazmuni:** Jizzax shahar hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan A.Qobilov orqali bir tomondan va "REKLAMA DELFIN" MCHJ nomidan M.Babaev tomonidan Jizzax shahar "Sangzor"MFY, "Xayrobod" MFY, "Tinchlik"MFY va Sh.Rashidov tumani "Olmachi" MFY hududlariga bannerlar o'rnatish ishlarini amalga oshirish yuzasidan tuzilgan 107 222 000 (bir yuz yetti million ikki yuz yigirma ikki ming) so'mlik xizmat ko'rsatish shartnomasi.
4. **Loyiha uchun asos:** lot№ 145984 tanlov bayonnomasi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 10-avgustdagi 438-F -sonli farmoyishi, Jizzax shahar hokimining 132-3-55-F/22 sonli farmoyishi,
5. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Jizzax shahar hokimligi xuzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi
6. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.**

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Raxmatov

YQ6414186843

Жиззах шаҳар ободонлаштириш бўлими



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"REKLAMA DELFIN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"REKLAMA DELFIN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.01.2019

665801

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305974913

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, ZARGARLIK MFY ZEBO SAVDO MARKAZI,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий
коммуникациялар
агентлиги

№ 5064-0256-5218-7864-6298-4327-1643
Ҳужжат яратилган сана: 2020-09-04
Ариза рақами: 22166369

Ҳужжат берилган: "REKLAMA DELFIN" MCHJ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 305974913

**Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли
давлат органини хабардор қилгани тўғрисидаги
ТАСДИҚНОМА**

Хабардор қилувчи юридик шахс ёки ЯТТ номи: "REKLAMA DELFIN" MCHJ

Матбаа корхонасининг ихтисослашуви: Босма маҳсулотларнинг қолипларини тайёрлаш, Босма қолипларсиз чоп этиш, Трафарет ёки шойитрафарет усулида чоп этиш, Тайёр маҳсулотлар ва материалларга босиш, Чоп этишдан кейинги жараёнлар ва муқовалаш

Ҳудуд: Жиззах вилояти

Фаолиятни амалга ошириш манзили: Jizzax shahar Zargarlik maxallasi Zebo savdo markazi

СТИР: 305974913

Хабарнома қабул қилинган сана: 2020-09-04

Маъқур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомига мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтга ўтинг ва электрон ҳужжатнинг нөб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диккат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян таъқиқланган.

2760



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 145984 на приобретение Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишлари.

Способ проведения электронный

Дата 10.09.2022

Время рассмотрения 10.09.2022 09:08

Конкурсная комиссия Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	AXMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH	Бош мухандис (Комиссия раиси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
Секретарь комиссии	SINDOROV XUSNIDDIN ABDURAXIM O'G'LI	Етакчи мутахассис (Комиссия котиби)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH	Бош ҳисобчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	ALISHEV UBAYDULLA MUMINOVICH	Техник назоратчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH	Бош иқтисодчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH	Бошлиқ ўринбосари (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.09.2022 года № лота 145984.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 98.00 / Весовой коэф. ценовой части: 2.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по установке баннера
Подробное описание	Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишлари. (100022860084017065100110001)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	109 268 226.00
Стартовая сумма	109 268 226.00

Валюта	UZS
--------	-----

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ушбу ишлар бўйича пудратчи ўзининг малакали ходимларига ва керакли бўлган барча турдаги техникаларига эга бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу ишлар бўйича пудратчи ўзининг малакали ходимларига ва керакли бўлган барча турдаги техникаларига эга бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	20	Курсатилган ишлар учун малакали ходимларимиз бор	16	Экспертная		
REKLAMA DELFIN MCHJ	20	Жамиятимиз курсатилган ишлар бўйича 5 та малакали доимий иш билан таъминланган ишчи ходимлар иш фаолиятини олиб бордаи ва керакли булган барча турдаги техникаларига эга. Маълумотнома илова килинади	20	Экспертная		

Критерий №2 Пудратчидан солиқ ва бошқа идоралардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот талаб этилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчидан солиқ ва бошқа идоралардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот талаб этилади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	20	Кариздолик йук	15	Экспертная		
REKLAMA DELFIN MCHJ	20	Жамиятимиз солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қариздорлиги мавжуд эмас. Маълумотнома илова килинади	20	Экспертная		

Критерий №3 Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида Гувохнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида Гувохнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	20	Гувохнома бор	20	Экспертная		
REKLAMA DELFIN MCHJ	20	Жамиятимиз Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида Гувохнома нусхаси илова килинади	20	Экспертная		

Критерий №4 Кўрсатилган ишлар белгиланган муддатларда сифатли қилиб бажарилиши, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Кўрсатилган ишлар белгиланган муддатларда сифатли қилиб бажарилиши, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	20	Барча курсатилган ишларни сифатли килиб бажариб берамиз	18	Экспертная		
REKLAMA DELFIN MCHJ	20	Барча курсатилган ишларни Сифатли ва камчиликсиз килиб бажаришга кафолат берамиз.	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
REKLAMA DELFIN MCHJ	109 268 226.00	107 222 000.00 UZS	107 222 000.00	00.00	107 222 000.00	09.09.2022 08:29:56	2
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	109 268 226.00	109 265 000.00 UZS	109 265 000.00	00.00	109 265 000.00	08.09.2022 16:59:13	1.9626

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
REKLAMA DELFIN MCHJ	96.775	2	98.775
XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT	84.525	1.9626	86.4876

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 145984 от 10.09.2022 года на приобретение Жиззах шаҳар "Санзор" МФЙ, "Хайробод" МФЙ, "Тинчлик" МФЙ ва Ш.Рашидов тумани "Олмачи" МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишлари. определила победителем:

REKLAMA DELFIN MCHJ
305974913

и резервный исполнитель: XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH YaTT (595976487)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	AXMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALISHEV UBAYDULLA MUMINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

« ТАСДИҚЛАЙМАН »

Жиззах шаҳар ҳокимлиги
ҳузуридаги Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



А.Қобилов

2022 йил

« 14 » Сентябрь 2022 йил

Жиззах шаҳри

Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси танлов хайъатининг
навбатдаги танлови ўтказилганлиги бўйича

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 11 январдаги № 5-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли қарорига асосан тасдиқланган танлов хайъати аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Ғ.Ахмедов - Бошқарма бош муҳандиси, танлов хайъати раиси

ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ

А.Қаюмов - Бошқарма бошлигининг ўринбосари, хайъат аъзоси

У.Алишев - Бошқарма техник назоратчиси, хайъат аъзоси

Д.Раҳмонов - Бошқарма бош ҳисобчиси, хайъат аъзоси

Ш.Исломов - Бошқарма бош иқтисодчиси, хайъат аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

Кун тартибида хайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб келгуси ойда Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси учун зарур бўлган товар, иш хизматларни сотиб олиш учун 10 кун олдин товар хом-ашё биржасига эълон талабнома бериш зарурлигини ва ушбу рўйхатни танлов хайъати томонидан тузиш таклифини ҳамда ушбу рўйхатни маҳсул порталга киритишга маъсул қилиб Бош ҳисобчини танлаш таклифини ўртага ташлади.

Кун тартибидаги масала юзасидан хайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб, Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ ҳудудларига баннерлар ўрнатиш ишларини бажариш учун Бош ҳисобчи томонидан 31.08.2022 йилда берилган.

№	Товар (иш, хизмат)лар номи	Суммаси
1	Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ ҳудудларига баннерлар ўрнатиш ишлари	109 268 226

Бажариладиган ишлар учун берилган лот рақами 22110012145984 бўлган талабномага бир қатор ташкилотлар томонидан таклифлар тушганлигини ва энг яхши таклиф берган ташкилотларни танлаб олишимиз зарурлигини маълум қилди. Хайъат аъзоси У.Алишев сўзга чиқиб йиғилганларни ўз хизматларини таклиф этган ташкилотлар билан батафсил таништириб чиқди.

31.08.2022 йилда лот рақами 22110012145984 бўлган талабномага таклиф берган ташкилотлар қуйидагилар

№	Товар (иш, хизмат)лар номи	Буюртмачининг бошланғич нархи	«РЕКЛАМА DELFIN» МЧЖ	YaTT «XAMRAKULOV MA'RUF MURADKULOVICH»
1	Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ ҳудудларига баннерлар ўрнатиш ишлари	109 268 226	107 222 000	109 265 000

Ушбу таклифларни йиғилиш қатнашчилари атрофлича ўрганиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишларини бажариш учун «REKLAMA DELFIN» МЧЖ танлансин.

2. Ғолиб чиққан ташкилот билан бошқарманинг 100022860084017065100110001 бўлган ШХВ орқали шартнома тузиб ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш келгуси ой учун зарур бўлган иш хизматлар учун махсус порталга эълон талабнома бериш бошқарма Бош ҳисобчиси Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

3. Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишларини белгиланган тартибда қабул қилиш бошқарма Техник назоратчиси У.Алишев зиммасига юклатилсин.

Шу кунгача 22110012145984 лот асосида бошқа талабгорлардан эътироз ва шикоятлар келиб тушмади.

Йиғилиш хайъати раиси



Ғ.Ахмедов

Хайъат аъзолари



А.Қаюмов



У.Алишев



Д.Рахмонов



Ш.Исломов

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки 2. Заказчик 3. Разработчики 4. Экспертизы 5. Генеральный подрядчик 6. Источник финансирования 7. Срок начала и окончания строительства	Г. Джизак Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси «POLARIS LOYIHA» МЧЖ «JIZZAX SHAHAR EKSPERTIZASI» МЧЖ «REKLAMA DELFIN» МЧЖ Местный бюджет 2022 г.
--	--

8. Основные показатели стройки:	Остаток на 01.01.2022 г.
Мощность (в соответст. Единицах измерения)	По ПСД 107 222,0

Раздел II/поквартильная разбивка прогноза на 2022 год

	Всего аз год	По кварталам				тыс. сум
		В том числе	I	II	III	
Жиззах шаҳар “Сангзор” МФЙ, “Хайробод” МФЙ, “Тинчлик” МФЙ ва Ш.Рашидов тумани “Олмачи” МФЙ худудларига баннерлар ўрнатиш ишлари	107 222,0	I	II	III	IV	107 222,0

Подрядчик: «REKLAMA DELFIN» МЧЖ



Рахбарни

М.Бабаев



Заказчик: Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

А.Қобилов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

20 22 yil « 10 » avgust

№ 438-F

Toshkent sh.

ХДФУ

—нусаха

“Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездининг “Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектлари ташқи кўриниши (фасад қисми)ни тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари Тошкент, Сирдарё Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Курилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликларининг “Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар жойларнинг ташқи кўриниши (фасад қисми)ни тартибга келтириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари (кейинги ўринларда – ободонлаштириш ишлари) учун республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан Тошкент вилояти маҳаллий бюджетига – 15 млрд сўм, Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига – 8,5 млрд сўм ва Жиззах вилояти маҳаллий бюджетига – 6,5 млрд сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

4. Курилиш вазирлиги ободонлаштириш ишларининг намунавий лойиҳа таклифларини бир ҳафта муддатда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилояти ҳокимликларига тақдим қилсин.

5. Белгилансинки:

республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига бажариладиган ободонлаштириш ишлари учун тегишлича шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари буюртмачи (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади;

асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ободонлаштириш ишлари учун буюртмачиларга 30 фоиз миқдорида аванс маблағлари ажратишга ҳамда зарур қурилиш материалларини харид қилиш учун 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширишга, истисно тариқасида, рухсат берилади;

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимлари буюртмачига ободонлаштириш ишлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ўзлаштирилиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ушбу фармойишга асосан ажратилаётган маблағларнинг белгиланган мақсадларда оқилона ва мақсадли сарфланиши юзасидан назорат ўрнатсин.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов



JIZZAX VILOYATI JIZZAX SHAHAR HOKIMINING FARMOYISHI

2022 - yil 24 - avgust

132-3-55-F/22

Jizzax shahar hokimligi

Жиззах вилоят ҳокимининг 2022 йил 19-августдаги 278-3-0-F/22-сонли фармойишига асосан “Тошкент-Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25- моддаларига асосан маблағ ажратиш тўғрисида:

1. Жиззах вилоят ҳокимининг 2022 йил 19-августдаги “Тошкент-Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида маблағ ажратиш тўғрисидаги 278-3-0-F/22-сонли фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов)га “Тошкент-Самарқанд” темир йўл йўналишининг Жиззах шаҳридан ўтган қисмини турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ишлари учун вилоят маҳаллий бюджетининг даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиб берилган 5,0 млрд.сўм маблағни шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармасига режалаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси (А.Қобилов)га ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланиш вазифаси топширилсин.

4. Жиззах шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Файзиев)га Жиззах шаҳар ҳокимлиги томонидан UzAsbo дастурий мажмуасидан электрон жўнатилган хужжатларга асосан белгиланган тартибда ўтказиб берилиши таъминлансин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эргашев ва ҳоким ўринбосари Х.Оналбоевлар зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



К.Холмуродов



JIZZAX VILOYATI JIZZAX SHAHAR HOKIMINING FARMOYISHI

2022 йил «29» август

132-3-55-F/22

Жиззах шаҳар ҳокимлиги


Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойишига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойишида шаҳар маҳаллий бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган маблағларнинг манбаларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

1. Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойиши 4-бандидаги “Жиззах шаҳар ҳокимлиги” сўзи “шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эргашев зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



К.Холмуродов